

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛИҚОВА ОЙИМХОН МАЛИКЖОН ҚИЗИ

ОРҚА МИЯ ПОСТТРАВМАТИК ЗАРАРЛАНИШДАН КЕЙИНГИ
БЕМОРЛАРДА НЕЙРОТРОФИК ЯРАЛАРНИ ДАВОЛАШНИ
ЖАРРОҲЛИК ТАКТИКАСИ

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Халикова Ойимхон Маликжон қизи

Орқа мия посттравматик зарарланишдан кейинги беморларда нейротрофик
яраларни даволаш жарроҳлик тактикаси.....3

Халикова Ойимхон Маликжон кизи

Хирургическая тактика лечения нейротрофических язв у больных с
посттравматическим поражением спинного мозга27

Khalikova Oyimkhon Malikjon kizi

Surgical Strategy for the Treatment of Neurotrophic
Ulcers in Patients with Post-traumatic Spinal Cord Injury.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....56

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛИҚОВА ОЙИМХОН МАЛИКЖОН ҚИЗИ

ОРҚА МИЯ ПОСТТРАВМАТИК ЗАРАРЛАНИШДАН КЕЙИНГИ
БЕМОРЛАРДА НЕЙРОТРОФИК ЯРАЛАРНИ ДАВОЛАШНИ
ЖАРРОҲЛИК ТАКТИКАСИ

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2026

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.2.PhD/Tib4709 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертациянинг уч тилдаги (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) автореферати Илмий Кенгаш веб-саҳифаси (www.tashmeduni.uz) ва «Ziyonet» (www.ziyonet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Матмуротов Қувондиқ Жуманиёзович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Мусашайхов Хусанбой Таджибаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Курбаниязов Зафар Бабаджанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**“А.В. Вишневский номидаги Миллий тиббиёт
илмий хирургия маркази” Федерал бюджет
муассасаси, Россия Федерацияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражаларлар берувчи DSc.06/2025.27.12.Tib.01.07 рақамли Илмий Кенгашнинг 2026 йил “____” _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100109, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Оламазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99878) 150-78-28; e-mail: info@tashmeduni.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№.____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Оламазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 214-82-90.

Диссертация автореферати 2026 йил «____» _____ да тарқатилди.

(2026 йил «____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ў.С. Исмаилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Ирназаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

М.М. Мирзахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раис ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Тананинг маълум бир қисмида юқори босим фонида юзага келадиган ётоқ яралари ёки декубитал яралар, беморлар ҳаракатчанлигининг бузилиши билан келадиган касалликларнинг асорати ҳисобланади. «...Жароҳат нуқсонларининг пайдо бўлиш частотаси доимий ётоқ режимидаги беморлар орасида 50 фоизгача, умуртқа поғонаси ва орқа мия шикастланиши бўлган беморларда эса 80 фоизгача етади...»¹. Адабиёт маълумотларига кўра, шошилиш жарроҳликда беморларнинг 8 фоизидан 14 фоизгача бўлган қисми шифохонага ётқизилган вақтдаёқ турли даражадаги юқори босим фонида юзага келган жароҳат нуқсонларига эга бўладилар. Ётоқ яраларининг пайдо бўлиши беморга чексиз азоб беришдан ташқари, унинг ижтимоий ролини йўқолишига ва ҳаёт сифатининг пасайишига олиб келади, шунингдек, ушбу контингент учун улкан молиявий зарар етказади. АҚШда йилига турли хил ётоқ яралари бўлган 2,5 миллион беморни даволаш ушбу мамлакат соғлиқни сақлаш тизимига 11 миллиард долларга тушади. «...Даволаниш учун сарфланадиган умумий харажатларга кўра, ётоқ яралари онкологик патология ва юрак-қон томир касалликлари билан бир қаторда етакчи нозологиялар учлигига киради...»².

Ҳар йили ўртача 60 000 бемор ётоқ яраларининг септик асоратлари (остеомиелитлар, флегмоналар, сепсис) оқибатида вафот этади, бунда ётоқ яралари бирламчи инфекция ўчоғи бўлиб хизмат қилади: ушбу беморларда ўлим кўрсаткичи (леталлик частотаси) умумий аҳоли популяциясига нисбатан 60 фоизга юқори. Ўтказилган ретроспектив маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, клиник амалиётга ётоқ яраларининг олдини олиш дастурларини (Pressure Ulcers Prevention Program) жорий этиш уларнинг миқдорини 50 фоизга камайиши билан кечади. Ётоқ яраси жароҳат нуқсонларини даволаш учун сарфланадиган психологик, моддий ва жисмоний харажатлар ҳар доим уларни профилактика қилиш чораларидан юқори бўлади. Чаноқ-сон бўғими соҳасидаги ётоқ яраси нуқсонлари энг кўп учрайдиган ва жарроҳлик йўли билан даволаш қийин бўлган патологиялардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда уларнинг ўртача миқдори орқа мия шикастланиши бўлган беморларда юзага келадиган барча ётоқ яраларининг 22–29 фоизини ташкил этади. Уларнинг пайдо бўлишидаги бундай юқори частота турли этиологик сабаблар билан тушунтирилади, улар орасида энг асосийлари сифатида соннинг ёнбош ҳолатда доимий қолиши ҳамда сон суягининг кўпчиги кўринишидаги яққол деформацион суяк бўртиғининг мавжудлиги ҳисобланади; ушбу бўртиқ ўз навбатида юмшоқ тўқималарга 25 мм симоб устунидан юқори бўлган босим беради. Бўғим юзасининг жароҳат нуқсонига бундай яқин ва зич жойлашуви инфекция ўчоғининг тезлик билан чуқур тўқималарга ўтишига, кейинчалик остеомиелит, септик йирингли артрит ва сепсис ривожланишига мойиллик

¹ Gray M. Context for Practice: Revised Pressure Injury Staging System // Journal of Wound Ostomy & Continence Nursing. - 2023. - Nov./Dec. - Volume 43. - Issue 6. - p 574–575. - doi: 10.1097/WON.0000000000000285

² Dumville J., Keogh S., Liu Z., Stubbs N., Walker R., Fortnam M. Alginate dressings for treating pressure ulcer // Cochrane Database Syst Rev. - 2024. - May 21(5):CD011277. - doi: 10.1002/14651858.CD011277.pub2.

яратади, «...бу эса чанок-сон бўғими соҳасида ётоқ яралари бўлган беморларда ўлим ҳолатининг (35%) асосий предиктори ҳисобланади...»³.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига кўрсатилаётган жарроҳлик ёрдами сифатини тубдан яхшилаш ва кўламини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича кенг кўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларда мамлакат ривожланиши стратегиясида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2026 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини тадбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш...»⁴. каби вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Фуқаролар саломатлигини таъминлашда доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маълумки, ётоқ яралари ёки декубитал яраларнинг жароҳат нуқсонлари ҳар доим жарроҳлик йўли билан даволашга қийин бўйин эгади, адекват даволаш чоралари ўтказилишига қарамасдан, жароҳат ҳолатининг тез-тез ёмонлашиши ёки рецидив (қайталаниш) хусусиятига эга эканлиги билан ажралиб туради. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ётоқ яралари жароҳат жараёнининг иккинчи босқичидан бошлаб жарроҳлик инфекциясининг асосий манбаига айланади. Бунда септик ҳолатлар ривожланиш хавфи юқори бўлиб, улар нафақат оптимал реконструктив операцияларга тўсқинлик қилади, балки бемор ҳаёти учун тўғридан-тўғри хавф туғдиради (Helberg D., Mertens E., Halfens R., Dassen T. 2021).

Ётоқ яралари кўринишидаги узок муддатли ётоқ режими асоратлари бўлган беморларда жароҳат нуқсонини тезроқ соғайиши талаб этилади, бироқ бугунги кунда ягона жарроҳлик ҳаракатлар алгоритми мавжуд эмас. Орқа мия шикастланиши оқибатида юзага келган ётоқ яраларини даволашда жарроҳлик тактикасини танлаш аниқ диагностик мезонларга асосланиши керак. Замонавий жарроҳликда нафақат декубитал яраларни консерватив ёки

³ Damert H., Meyer F., Altmann S. Therapeutic options for pressure ulcers // Zentralbl Chir. - 2015. - Apr. - №140 (2). - p.193-200. - doi: 10.1055/s-0035- 1545808. - Epub 2025 Apr 14. Review. German. - PMID: 25874469.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

жарроҳлик йўли билан даволашни танлаш имконини берадиган, балки ушбу тоифадаги беморларда режалаштирилаётган жарроҳлик аралашувининг хавфсизлик даражасини прогноз қила оладиган объектив диагностика воситаси ҳали яратилмаган. Бугунги кунда ётоқ яраларида қўлланиладиган ягона диагностик усул J.Waterlow (1988) шкаласи бўлиб, у фақат ётоқ яралари пайдо бўлиш хавфини баҳолашга қаратилган. Шу сабабли, ушбу шкала мазкур патологияни даволашнинг жарроҳлик тактикасини белгилаб бермайди, қолаверса, консерватив даво мониторингини объектив баҳолаш ва унинг натижасини прогноз қилиш имконини бермайди (Алексеева Г.В., Радаев С.М., Лосев В.В., Боттаев Н.А. 2024).

Ётоқ яраларини маҳаллий даволаш анча мураккаб муаммо ҳисобланади, чунки уларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи эҳтимолий сабабларни ҳар доим ҳам тўлиқ бартараф этиш имкони бўлмайди. Бундай беморлар кўп ҳолларда асосий оғир касаллик туфайли заифлашган бўлиб, бу ҳолат кўпинча анемия, ўпка яллиғланиши ва организмнинг пластик захиралари пасайиши билан кечади. Жароҳат жараёни кечишининг барча фазалари вақт жиҳатидан кескин узаяди, ҳатто кўплаб ойлар ёки йиллар давомида давом этиши мумкин. Декубитал яралардаги гистологик ўзгаришлар манзараси жуда хилма-хил бўлиб, жароҳатда бир вақтнинг ўзида ҳам некротик, ҳам грануляцион тўқима соҳалари кузатилади (Aroga M., Harvey L., Hayes A., Chhabra N., Glinsky J., Cameron I. 2025).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, ПЗ-2019071231 сонли «Қандли диабет билан касалланган беморларда йирингли-яллиғланиш касалликларини даволашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш» мавзусидаги ёшлар гранти лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пластик операцияларни оптималлаштириш орқали орқа мия посттравматик зарарланишдан кейинги беморларда нейротрофик жароҳат нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари

Орқа миянинг жароҳатдан кейинги шикастланиши бўлган беморларда жароҳат нуқсонини реконструктив операция қилгандан сўнг нейротрофик зарарланишларнинг қайталаниш (рецидив) частотасини ўрганиш.

Спинал беморларда жароҳат нуқсонининг локализациясига қараб, нейротрофик яраларни даволашда реконструктив-пластик операциялар усуллариининг самарадорлигини баҳолаш.

Орқа миянинг жароҳатдан кейинги шикастланиши бўлган беморларда нейротрофик яраларнинг локализациясига қараб, пластик операцияларнинг техник-тактик жиҳатларини оптималлаштириш.

Турли локализациядаги сурункали нейротрофик жароҳат нуқсонлари бўлган, орқа миянинг жароҳатдан кейинги шикастланиши мавжуд беморларни

табақалаштирилган ёндашув асосида жарроҳлик йўли билан даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Тошкент давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникасининг йирингли жарроҳлик ва қандли диабетнинг жарроҳлик асоратлари бўлимида ҳамда «Twins medical center» хусусий клиникасида стационар даволанган, орқа мия шикастланиши фонида ётоқ яралари бўлган 82 нафар бемор ташкил этди. Илмий ишга 2021 йилдан 2025 йилгача бўлган даврда жарроҳлик стационарига режали тартибда ётқизилган, турли локализациядаги ётоқ яралари мавжуд беморлар ёппасига рандомизация қилиш усули билан киритилди. Шифохонага ётқизилган вақтда уларнинг барчаси орқа миянинг оғир шикастланиши туфайли сурункали критик ҳолатда бўлган ва турли соҳаларда ётоқ яралари мавжуд эди. Барча беморларда диссертация ишида баён этилган комплекс даволаш тадбирлари амалга оширилди. Тадқиқотга киритиш мезони сифатида беморларда халқаро тасниф (AFHSCPR) бўйича III–IV даражали қоплама тўқималарнинг шикастланиши билан кечувчи ётоқ яраси нуқсони мавжудлиги қабул қилинди.

Тадқиқотнинг предметини орқа мия шикастланиши фонида юқори босим натижасида юзага келган, турли локализациядаги декубитал яралари бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг яқин ва узоқ муддатли натижалари таҳлили ташкил этди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, инструментал, лаборатория, таҳлилий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

спинал беморларда жароҳат нуқсонини ёпишга қаратилган реконструктив-пластик операцияларнинг якуний натижасига танланган жарроҳлик тактикаси ва патологик ўчоқнинг тананинг анатомик соҳаларида жойлашуви бевосита таъсир қилиши аниқланган;

пластик операция усулини танлаш ётоқ ярасининг жойлашувига қараб, зарарланган қисмнинг анатомик-физиологик функциясини ҳамда атрофдаги суяк тўқимасининг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозимлиги исботланган;

тўқималар иннервацияси бузилган шароитда, эҳтимолий операциядан кейинги асоратлар ва касаллик рецидивининг олдини олиш учун патологик ўчоқ соҳасидаги тўқима тузилмаларининг ифодаланганлигига қараб, реконструктив-пластик операция усулини танлашнинг асосий мезонлари асослаб берилган;

орқа мия шикастланиши фонида кенг кўламли жароҳат нуқсонлари бўлган беморларни даволашнинг жарроҳлик стратегияси декубитал яранинг локализациясига қараб, пластик операцияларни бажаришда табақалаштирилган ёндашув орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

орқа мия шикастланиши фонида декубитал яраси бўлган беморларда реконструктив-пластик операцияларни бажаришда жарроҳлик тактикаси белгилаб берилди;

спинал беморларда нейротрофик жароҳат нуқсони соҳасида пластик аралашувларни бажаришнинг жарроҳлик стратегиясини белгилаш учун уларнинг анатомик локализациясини албатта ҳисобга олиш зарурлиги исботланди;

орқа мия шикастланиши бўлган беморларда жароҳат нуқсонининг локализациясига қараб, ётоқ ярасини бартараф этишга қаратилган пластик операцияларни бажариш учун оптимал шароитлар аниқланди;

дифференциал ёндашувни ҳисобга олган ҳолда асосланган жарроҳлик аралашувларини бажариш операциядан кейинги асоратларни ва қайта операциялар частотасини камайтиришга ҳамда декубитал яраси бўлган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам бериши аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги беморларнинг ҳолатини баҳолашда бир-бирини тўлдирувчи замонавий ва объектив мезонлардан, ташхислаш ва даволашнинг илғор усулларида фойдаланилганлиги, методологик ёндашувларнинг тўғри қўлланганлиги ҳамда статистик таҳлил тўпламларидан тизимли фойдаланилганлиги билан тасдиқланади. Статистик ишлов бериш натижалари олинган хулосаларнинг ҳаққонийлигини исботлади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулоса ва таклифлар ўз назарий қийматига эга бўлиб, улар операциядан кейинги асоратлар ривожланишининг асосий омилларини, ётоқ яралари рецидивини ва янги нейротрофик жароҳат нуқсонлари пайдо бўлишини аниқлашга салмоқли ҳисса қўшади. Бу эса юмшоқ тўқималар иннервацияси бузилган беморларда адекват жарроҳлик стратегиясини танлаш ва клиник жиҳатдан асосланган босқичма-босқич ёндашувни қўллаш имконини берди.

Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, ўтказилган таҳлил спинал беморларда ётоқ яраларини даволашда оптимал жарроҳлик аралашувини танлаш мезонларини белгилаш имконини берди. Тақомиллаштирилган жарроҳлик ёндашуви стратегияси эса қайта операциялар ва операциядан кейинги асоратлар частотасини кескин камайтиришга, беморларнинг ижтимоий мақомини сақлаб қолишга ҳамда тўқималарга юқори босим тушиши фонида кенг қўлламли жароҳат нуқсонлари мавжуд беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Орқа мия посттравматик зарарланишдан кейинги беморларда нейротрофик яраларни даволаш жарроҳлик тактикаси бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: спинал беморларда жароҳат нуқсонини ёпишга қаратилган реконструктив-пластик операцияларнинг якуний натижасига танланган жарроҳлик тактикаси ва патологик ўчоқнинг тананинг анатомик соҳаларида жойлашуви бевосита таъсир қилиши аниқланган ва бу бўйича тавсиялар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024-йил 22-августдаги 08-24/360-т сон билан тасдиқланган «Способ хирургического лечения нейротрофических раневых дефектов у спинальных больных» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган.

Бу таклифлар Ибн Сино номли 1-шахар клиник шифохонаси (29.01.2025 й. 61-сон буйруғи) ва Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (03.02.2025 й. 50-I-сон буйруқ) билан амалий фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ССВ ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 02.06.2026 й. 09/39-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: орқа мия шикастланиши фонида декубитал яраси бўлган беморларда реконструктив-пластик операцияларни бажаришда жарроҳлик тактикаси белгилаб берилди. Иқтисодий самарадорлиги: орқа мия шикастланиши фонида декубитал яраси бўлган беморларда реконструктив-пластик операцияларни бажаришда беморларнинг стационар шароитда даволаш одатда умумий ўртача 7-10 кун учун 6544800 сўм. Беморларнинг барча лаборатор-инструментал текширишларига жами 975650 сўм сарфланади. миниинвазив ёндашувлар ёрдамида операция қилинганда стационар даволаниш 5 кунга қисқариб, иқтисодий кўрсаткич 3876450 сўмни ташкил этади (бир нафар бемор учун). Хулоса: орқа миyanинг посттравматик шикастланиши бўлган беморларда ётоқ яраларини даволашда анъанавий жарроҳлик тактикасини ва турли хил пластик ёпиш усуллари кўллаш 18,6% ҳолатларда ($t=7,76$; $p<0,001$) жароҳат соҳасида операциядан кейинги асоратларга олиб келиши мумкин;

иккинчи илмий янгилик: пластик операция усулини танлаш ётоқ ярасининг жойлашувига қараб, зарарланган қисмнинг анатомик-физиологик функциясини ҳамда атрофдаги суяк тўқимасининг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозимлиги исботланган ва бу бўйича тавсиялар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024-йил 22-августдаги 08-24/360-т сон билан тасдиқланган «Способ хирургического лечения нейротрофических раневых дефектов у спинальных больных» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Бу таклифлар Ибн Сино номли 1-шахар клиник шифохонаси (29.01.2025 й. 61-сон буйруғи) ва Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (03.02.2025 й. 50-I-сон буйруқ) билан амалий фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ССВ ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 02.06.2026 й. 09/39-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: спинал беморларда нейротрофик жароҳат нуқсони соҳасида пластик аралашувларни бажаришнинг жарроҳлик стратегиясини белгилаш учун уларнинг анатомик локализациясини албатта ҳисобга олиш зарурлиги исботланди. Иқтисодий самарадорлиги: спинал беморларда нейротрофик жароҳат нуқсони соҳасида пластик аралашувларни бажаришнинг жарроҳлик стратегияси асосида дифференциал-диагностик мезонлар ва беморларни даволаш алгоритм остида ижобий натижалар 2 баробар кўп ҳолатда кузатилганлигини ҳисобга олсак, йиллик иқтисодий кўрсаткич 10855420 сўмни ташкил этади. Хулоса: жароҳат нуқсонини ёпишга қаратилган пластик операцияларни бажаришда уларнинг локализациясини ҳисобга олиш ва шикастланган соҳанинг функционаллиги бўйича анатомик-физиологик тамойилларга қатъий риоя қилиш зарур;

учинчи илмий янгилик: тўқималар иннервацияси бузилган шароитда, эҳтимолий операциядан кейинги асоратлар ва касаллик рецидивининг олдини олиш учун патологик ўчоқ соҳасидаги тўқима тузилмаларининг

ифодаланганлигига қараб, реконструктив-пластик операция усулини танлашнинг асосий мезонлари асослаб берилган ва бу бўйича тавсиялар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024-йил 22-августдаги 08-24/360-т сон билан тасдиқланган «Способ хирургического лечения нейротрофических раневых дефектов у спинальных больных» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Бу таклифлар Ибн Сино номли 1-шаҳар клиник шифохонаси (29.01.2025 й. 61-сон буйруғи) ва Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (03.02.2025 й. 50-I-сон буйруқ) билан амалий фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ССВ ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 02.06.2026 й. 09/39-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: орқа мия шикастланиши бўлган беморларда жароҳат нуқсонининг локализациясига қараб, ётоқ ярасини бартараф этишга қаратилган пластик операцияларни бажариш учун оптимал шароитлар аниқланди. Иқтисодий самарадорлиги: реконструктив-пластик операция усулини танлаш техникаси амалиётидан кейин операциясидан кейинги даврда асоратлар тубдан қисқаришини инобатга олсак, асосий гуруҳдаги беморларда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар 30% қисқартиришликка эришилди. Хулоса: қайталанувчи (рецидив берувчи) нейротрофик яраларда энг мақбул реконструктив-пластик амалиёт — *m. semitendinosus* ёрдамида жароҳатни миопластик ёпиш ҳисобланади;

тўртинчи илмий янгилик: орқа мия шикастланиши фонида кенг кўламли жароҳат нуқсонлари бўлган беморларни даволашнинг жарроҳлик стратегияси декубитал яранинг локализациясига қараб, пластик операцияларни бажаришда табақалаштирилган ёндашув орқали такомиллаштирилган ва бу бўйича тавсиялар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024-йил 22-августдаги 08-24/360-т сон билан тасдиқланган «Способ хирургического лечения нейротрофических раневых дефектов у спинальных больных» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Бу таклифлар Ибн Сино номли 1-шаҳар клиник шифохонаси (29.01.2025 й. 61-сон буйруғи) ва Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (03.02.2025 й. 50-I-сон буйруқ) билан амалий фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ССВ ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 02.06.2026 й. 09/39-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: дифференциал ёндашувни ҳисобга олган ҳолда асосланган жарроҳлик аралашувларини бажариш операциядан кейинги асоратларни ва қайта операциялар частотасини камайтиришга ҳамда декубитал яраси бўлган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам бериши аниқланди. Иқтисодий самарадорлиги: пластик операцияларни бажаришда табақалаштирилган ёндашув орқали такомиллаштирилган жарроҳлик даволаш тактикаси асосида ва жарроҳлик аралашувининг давомийлигини камайтиришга ёрдам бериши, реабилитация муддатларининг қисқариши туфайли беморларни стационар шароитда даволаш одатда умумий ўртача 22564500 сўм сарфланади. Йиллик иқтисодий кўрсаткич эса ўз навбатида 20% гача бюджет маблағларини тежашга олиб келади. Хулоса: такомиллаштирилган дифференциаллашган жарроҳлик даволаш алгоритминини қўллаш орқали асосий гуруҳда операциядан кейинги

асоратлар частотасини 18,6% дан 10,2% гача ($\chi^2=3,899$; $df=1$; $p=0,049$) камайтиришга, декубитал яра рецидиви бўлган беморлар сонини 37,1% дан 15,3% гача ($\chi^2=10,022$; $df=1$; $p=0,002$) қисқартиришга ва ётоқ яраларидан тўлиқ халос бўлиш кўрсаткичини 27,9% дан 66,7% гача ($\chi^2=14,095$; $df=2$; $p<0,001$) яхшилашга эришилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий конференцияда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, жумладан 7 та мақола журналларда нашр қилинган. Улардан 5 таси республика журналларида, 2 таси эса Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ҳамда илмий-амалий аҳамияти келтирилган, шунингдек, иш натижаларининг синовдан ўтказилиши (апробацияси), нашр этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва қисқача тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида илмий манбалар таҳлили тақдим этилган бўлиб, унда орқа миянинг жароҳатдан кейинги шикастланиши бўлган беморларда нейротрофик яраларнинг хусусиятлари, шунингдек, уларни даволашнинг жарроҳлик усуллари ёритилган. Бобнинг якуний қисмида чуқурроқ тадқиқот талаб этадиган мунозарали масалалар келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида "**Клиник кузатувлар ва тадқиқот усуллари**" келтирилган. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат тиббиёт университетининг 1-сонли умумий ва болалар жарроҳлиги кафедраси базасида, ТДТУ кўп тармоқли клиникасининг йирингли жарроҳлик ва қандли диабетнинг жарроҳлик асоратлари бўлимида ҳамда «TWINS MEDICAL CENTER» хусусий клиникасида амалга оширилди.

Тадқиқотга 2021–2025 йилларда орқа мия шикастланиши ва II–III даражали ётоқ яралари бўлган 82 нафар бемор киритилди (53 эркак, 29 аёл). Чиқариш мезонлари: I ва IV даражали яралар, 75 ёшдан юқори, ўсимталар, оғир аутоиммун касалликлар, консерватив даволанганлар, бош мия шикастланиши билан кечган ҳоллар.

Беморлар 2 гуруҳга бўлинди: киёсий гуруҳ (43 нафар, 52,4%; 2021–2023) — маҳаллий тўқималар ёки аутодермопластика; асосий гуруҳ (39 нафар, 47,6%; 2024–2025) — локализация ва шикастланган тўқима тузилмасига қараб дифференциаллашган реконструктив-пластик жарроҳлик (1-жадвал).

1-жадвал**Беморларнинг жинси ва ёши бўйича тақсимланиши**

Беморларнинг ёши	Таққослаш гуруҳи (n=43)		Асосий гуруҳ (n=39)		Жами (n=82)	
	аёл	эркак	аёл	эркак	аёл	эркак
40 ёшгача	8 (18,6)	20 (46,5)	10 (25,6)	19 (48,7)	18 (22,0)	39 (47,5)
41-60 ёш	4 (9,3)	6 (13,9)	3 (7,7)	5 (12,8)	7 (8,5)	11 (13,4)
61-74 ёш	3 (6,9)	2 (4,6)	1 (2,5)	1 (2,5)	4 (4,8)	3 (3,6)
Жами	15 (34,9)	28 (65,1)	14 (35,8)	25 (64,2)	29 (35,3)	53 (64,7)
Асосий гуруҳга нисбатан ҳаққонийлиги	$\chi^2=33,592$; $df=5$; $p<0,001$		-		-	

Беморларнинг 68,3% и 40 ёшгача — меҳнатга лаёқатли ёш, бу мавзунинг долзарблигини тасдиқлайди. 40–60 ёш — 20,7%; 60–75 ёш — 7 нафар (8,5%): қиёсий гуруҳда 4 (4,8%), асосий гуруҳда 3 (3,6%). Кекса беморларда операция тактикаси ҳамроҳ касалликларни ҳисобга олган ҳолда танланди. Жинси бўйича: эркалар — 64,7%, аёллар — 35,3% (2-жадвал).

2-жадвал**Ётоқ яраларининг келиб чиқиш сабаблари**

Пастки параплегиянинг бирламчи этиологияси	Таққослаш гуруҳи (n=43)	Асосий гуруҳ (n=39)	Жами (n=82)
Умurtқа травмасининг T1-T12	21 (48,8)	18 (46,1)	39 (47,5)
Умurtқа травмасининг L1-L5	9 (20,9)	11 (28,2)	20 (24,4)
Умurtқанинг 2та сегментининг шикастланиши	7 (16,3)	8 (20,5)	15 (18,3)
Бош мия ва орқа миянинг қўшма шикастланиши	6 (13,9)	2 (5,1)	8 (9,8)
Жами	43 (100)	39 (100)	82 (100)
Асосий гуруҳга нисбатан ҳаққонийлиги	$\chi^2=25,721$; $df=4$; $p<0,0001$		-

Ётоқ яраларининг асосий сабаблари: кўкрак умurtқаси жароҳати — 47,5%, бел умurtқаси жароҳати — 24,4% (20 бемор), комбинациялашган умurtқа шикастланиши — 18,3% (15 бемор), бош ва орқа мия қўшма шикастланиши — 9,8% (8 бемор). Барча ҳолатларда беморлар нейрохирургияда бирламчи операциялардан ўтган; кўпчилигида қайта аралашувлар бажарилган. Бу реконструктив-пластик жарроҳлик учун инфекцион асоратлар ва некроз хавфини оширади.

Жарроҳлик кўрсатмаси асоси — жароҳат ўлчами. Тадқиқотдаги жароҳатлар одатдаги трофик яралардан катта эди. Чуқурлик алоҳида мезон сифатида киритилмади (беморларнинг умумий ҳолдан тойганлиги сабабли); ўлчаш учун энг узун диаметр қўлланилди.


Жароҳат ўлчамлари бўйича: 5 см гача — 27 нафар, 5–10 см (энг кўп) — кўпчилик беморларда, 10 см дан катта — 13 ҳолат (15,9%), гигант ўлчамли — 3 нафар (3,6%). Беморларнинг аксарияти бошқа муассасаларда аввалдан операция қилинган бўлиб, кечки даврда фақат фистулали трофик яра мавжуд эди (3-жадвал).

Жароҳат дефектининг ўлчами бўйича тақсимланиши

Жароҳат дефектининг ўлчами	Кузатувлар сони (n=82)		
	Таққослаш гуруҳи (n=43)	Асосий гуруҳ (n=39)	Жами (n=82)
5 смгача (кичкина)	14 (32,6)	13 (33,3)	27 (32,9)
5-10 см (ўртача)	19 (23,1)	20 (51,2)	39 (47,6)
10-15 см (катта)	8 (18,6)	5 (12,8)	13 (15,9)
15 смдан катта (гигант)	2 (4,7)	1 (2,7)	3 (3,6)

Диссертациянинг учинчи бобида “Спинал беморларда неротрофик яраларни даволашнинг анъанавий жарроҳлик натижалари” таққослаш гуруҳдаги турли локализацияли ётоқ яралари бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижалари таҳлил қилинган. Ушбу беморлар 2021–2023 йилларда Тошкент давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникасининг йирингли жарроҳлик ва жарроҳлик асоратлари бўлимида стационар даволанганлар.

Протокол бўйича: биринчи босқичда некроз ёки йирингли яллиғланишда бирламчи жарроҳлик ишлов бериш (некрэктомия); иккинчи босқичда жароҳат 2-фазага ўтгач — реконструктив-пластик операция. Ҳамроҳ касалликлар ҳисобга олинган, аммо улар кўпинча адекват терапияга тўсқинлик қилган. Жароҳат нуқсонининг мавжудлик муддати узайган сайин атроф тўқималардаги чандиқланиш жараёни кучаяди ва даволаш натижасини ёмонлаштиради.



1-расм. Таққослаш гуруҳи беморларида жароҳат дефектининг давомийлиги


Таққослаш гуруҳ маълумотлари таҳлил қилинганда, беморларнинг аксариятида ётоқ яралари узоқ муддатдан бери мавжудлиги аниқланди. Жароҳат муддати 1 йилгача бўлган беморлар 4 нафарни ташкил этди ва шунга мувофиқ, уларда кенг кўламли жароҳат нуқсонлари кузатилмади. 14 та ҳолатда (32,6%) беморларда трофик яраларнинг мавжудлиги 5 йилгача бўлган

муддатни ташкил этган бўлса, 6 йилдан 10 йилгача бўлган даврда бу кўрсаткич 17 нафаргача (39,5%) ошган (1-расм).

Жароҳат давомийлиги 11 йилдан ортиқ бўлган беморлар энг мураккаб клиник ҳолатларни ташкил этди. Уларда юмшоқ тўқималар ёрдамида маҳаллий реконструкция амалиётини бажаришнинг техник имконияти мавжуд эмас эди. Юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, орқа мия жароҳати бўлган беморларда ётоқ яраларининг мавжудлик муддати қанчалик узок бўлса, маҳаллий тўқималар ҳисобига реконструктив операцияларни амалга ошириш шунчалик мураккаблашади.

Олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, қиёсий гуруҳ беморларида думғаза соҳасининг шикастланиши устунлик қилди (34,9%) ва бу ҳолат 15 нафар беморда кузатилди. Ўтирғич (думба) соҳаси ётоқ яралари камроқ ҳолларда (25,6%) қайд этилди ва анамнез маълумотларига кўра, айнан шу беморлар энг кўп жарроҳлик амалиётларини бошдан кечирганлар. Юқорида кўрсатилган анатомик зоналарнинг қўшма шикастланиши 9 та ҳолатда (20,9%) аниқланди.

Энг мураккаб локализациялардан бири бўлиб чаноқ-сон бўғими соҳасининг шикастланиши ҳисобланди. Ушбу соҳадаги йирингли-яллиғланиш жараёни тез фурсатда чаноқ-сон бўғимига ўтиб, кўпинча суяк тўқимасининг деструкциясига (емирилишига) олиб келган (2-расм).



2-расм. Ётоқ яраларнинг локализацияси бўйича беморларнинг тақсимлаш

Таққослаш гуруҳдаги беморларда асосан жарроҳлик амалиётларининг уч тури бажарилди: маҳаллий тўқималар пластикаси гипергрануляцияларни олиб ташлаш билан бирга — 15 нафар беморда (34,9%), оқма йўли ёки жароҳатни алоҳида кесиб олиб ташлаш ва кейинчалик очиқ усулда даволаш — 19 та ҳолатда (44,2%), грануляцияланаётган жароҳатга эркин бўлинган тери бўлагини кўчириб ўтказиш (аутодермопластика) — 9 нафар беморда (20,9%) (4-жадвал).

4-жадвал**Таққослаш гуруҳ беморларида ўтказилган жарроҳлик амалиётларининг характери**

№	Операциялар	n=43	
		абс	%
1.	Маҳаллий тўқималар билан пластика қилиш	15	34,9
2.	Жароҳатни ёки оқма йўлини кесиб олиб ташлаш ва қисман пластика қилиш *	19	44,2
3.	Аутодермопластика	9	20,9
Жами		43	100

* Атрофдаги тўқималар етишимовчилиги сабабли жароҳат дефектининг тўлиқ ёпилмай қолиши

Жароҳатни маҳаллий тўқималар билан ёпиш икки хил усулда амалга оширилди. Биринчи усулда жароҳат спиралсимон чоклар билан тикилиб, битта найчали дренаж ўрнатилди. Иккинчи вариантда эса операциядан кейинги жароҳат ичкаридан тугунли чоклар билан тикилиб, оқимли (проточный) дренажлаш тизими қўлланилди. Жароҳат ёки оқма кесиб олинганда, агар ётоқ ярасини ёпиш имконияти минимал бўлган кенг қўламли нуқсон ҳосил бўлса, жароҳат жараёнининг кечишини визуал назорат қилиш мақсадида жароҳатни очиқ усулда бошқаришга қарор қилинди. Жароҳат юзаси силлиқ ва чуқур бўлмаган ҳолатларда беморларда тери кўчириб ўтказиш (аутодермопластика) амалиёти бажарилди. Бунда тери бўлаги соннинг орқа юзаси соҳасидан олинди.

Ҳамроҳ касалликлари мавжуд бўлган беморларнинг ҳолати ўтказилган консерватив даво муолажалари фонида барқарорлашгач, жарроҳлик амалиётлари ўтказилди. Операциядан кейинги даврда жарроҳлик давоси натижаларини баҳолаш учун ушбу беморларнинг умумий аҳволи ва маҳаллий статуси фаол кузатув остига олинди. Шу билан бирга, қиёсий гуруҳ беморларини даволашнинг яқин (3 ойгача) ва узоқ (бир йилгача) муддатли натижалари таҳлил қилинди.

Даволаш натижалари танланган жарроҳлик стратегияси бўйича якуний ҳулоса чиқариш мақсадида биз томонимиздан ишлаб чиқилган шкала асосида баҳоланди (5-жадвал).


5-жадвал**Ётоқ яралари бўлган беморларни даволаш натижаларини баҳолаш шкаласи**

Аъло	Реконструктив-пластик операциядан кейин ётоқ ярасининг тўлиқ битиши
Яхши	Лоскут некрози ва жароҳатнинг инфекцияланиши натижасидаги иккиламчи битиш
Қониқарли	Иккиламчи оқмаларнинг шаклланиши ва ётоқ яраларининг рецидиви
Қониқарсиз	Ётоқ яраси соҳасидаги такрорий жарроҳлик амалиётлари

Ушбу шкаладан келиб чиққан ҳолда, биз асосий гуруҳ беморларини даволашда жарроҳлик ёндашувининг қайси жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини белгилаб олдик. Натижаларни баҳолашда аъло натижада операциядан кейинги жароҳат ҳеч қандай асоратларсиз тўлиқ


битиши кузатилган ҳолатлар. Яхши натижада реконструктив-пластик операциялардан сўнг яқин муддатларда операция соҳасида некроз белгилари ёки инфекцияланиш кузатилган, бироқ улар бартараф этилиб, жароҳат ёпилишига эришилган ҳолатлар. Қониқарли натижада бирламчи ўтказилган операция соҳасида иккиламчи оқма жароҳатлар пайдо бўлиши ёки ётоқ ярасининг рецидиви кузатилган ҳолатлар. Қониқарли клиник натижада декубитал яранинг қисман битиши ва эпителизациясига эришилиб, очик қолган қисми дастлабки ўлчамнинг 30% дан камроғини ташкил этган ҳамда яққол йирингли-яллиғланиш жараёни кузатилмаган. Ушбу тоифадаги беморлар стационардан чиқарилиб, даволаш-реабилитация тадбирлари амбулатор шароитда давом эттирилган. Қониқарсиз натижада беморларда такрорий жарроҳлик амалиётларини ўтказиш зарурати туғилган ҳолатлар. Бунда барча даволаш муолажалари самарасиз бўлиб, ётоқ яраларининг битишга мойиллиги кузатилмаган ёки йирингли-яллиғланиш жараёни ривожланиб, жароҳат нуқсони ўлчамларининг кенгайиши қайд этилган.

Таққослаш гуруҳда олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, яқин муддатларда (3 ойгача) пластика амалиётидан сўнг жароҳат дефектининг тўлиқ ёпилиши 15 нафар беморда (34,9%) кузатилди. Шу билан бирга, операциядан кейинги даврда операция соҳасидаги некроз беморларнинг 14 фоизида (6 нафар бемор) операциядан кейинги жароҳат соҳасида некротик тўқималар пайдо бўлиши кузатилди. Чокларнинг ажралиб кетиши 10 нафар беморда чоклар қўйилганидан кейин тўқималар ишемияси туфайли жароҳат тўлиқ очилиб кетди (барча чоклар ечилиб кетган). Операциядан кейинги жароҳатнинг йиринглаши 7 нафар беморда йирингли асоратлар аниқланди ва уларда патологик ўчоқни санація қилиш амалиёти бажарилди. 5 та ҳолатда (11,6%) яқин муддатли операциядан кейинги даврда барқарор перифокал инфильтрация кузатилди. Адекват антибактериал терапия ва яллиғланишга қарши мажмуавий даволаш фонидида ушбу беморларда жароҳат атрофидаги яллиғланиш валикини бартараф этишга эришилди (3-расм).



3-расм. Таққослаш гуруҳ беморларида ётоқ яраларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг яқин муддатли натижалари

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, юқори босим натижасида юзага келган жароҳат нуқсонлари ёпилгандан сўнг беморларни кузатишнинг узоқ муддатли даври 12 ойни ташкил этди. 4-расмда кўриниб турибдики, бир йил давомида қиёсий гуруҳда ётоқ яраларини жарроҳлик йўли билан ёпиш орқали максимал натижага фақат 27,9% ҳолатларда эришилди; ушбу беморларда пластик амалиётлардан сўнг ҳеч қандай салбий оқибатлар кузатилмади (4-расм).



4-расм. Таққослаш гуруҳ беморларида даволашнинг узоқ муддатли натижалари


Диссертациянинг тўртинчи бобида «**Орқа мия шикастланиши фонида жароҳат дефектлари бўлган беморларни дифференциаллашган жарроҳлик тактикаси билан даволаш**»

Сурункали жароҳатларни даволашда жарроҳлик амалиётининг якуний натижасига жароҳат нуқсонининг давомийлиги бевосита таъсир қилади. Чунки жароҳат жараёни қанчалик узоқ давом этса, атрофдаги юмшоқ тўқималар шунчалик чандикланиб боради ва бу реконструктив-пластик операцияларнинг техник жиҳатларини мураккаблаштиради.

Жароҳат юзасини ёпишнинг оптимал усулини танлашда кўплаб омилларни ҳисобга олиш зарур: ёндош суяк тўқимасининг ҳолати, юмшоқ тўқималар инфильтрациясининг яққоллиги, тери-тери ости қатламининг қалинлиги, жароҳат жараёнининг фазаси (грануляция ва пролиферация фазалари оптимал ҳисобланади).

Асосий гуруҳда беморларнинг деярли ярми (46,1%) 6 йилдан 10 йилгача бўлган узоқ муддатли ётоқ яраларига эга эди. Бу маҳаллий тўқималар билан пластик операцияларни бажариш учун клиник жиҳатдан энг мураккаб контингент ҳисобланади.

Асосий гуруҳда декубитал жароҳат дефектининг энг қисқа давомийлиги (1 йилгача) 5 нафар беморда кузатилди ва 12,8% ни ташкил этди. 5 йилгача бўлган муддат беморларнинг 23,1% қисмида аниқланди. Энг узоқ муддатли ётоқ яралари эса 18% ҳолатларда (7 нафар бемор) учради. Асосий гуруҳда ушбу кўрсаткичлар жароҳатни пластик ёпиш усулини танлашда муҳим рол ўйнади (5-расм).



5-расм. Асосий гуруҳ беморларида ётиқ яраларни давомийлиги

Асосий гуруҳ беморларини ётиқ яраларининг локализацияси (жойлашуви) бўйича таҳлил қилганимизда, аксарият ҳолларда жароҳатлар бир нечта анатомик соҳаларда жойлашганлиги аниқланди. Бунда думғаза-думба соҳасининг шикастланиши етакчи ўринни эгаллади — 35,9%. Думғаза ва думба соҳаларида юқори босим натижасида юзага келган жароҳатларнинг алоҳида (изоляцияланган) жойлашуви бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилмади ва мос равишда 28,2% ва 23,1% ни ташкил этди.



6-расм. Ётиқ яраларнинг локализацияси бўйича тақсимлаш

Асосий гуруҳдаги 39 нафардан 5 нафарида (12,8%) чаноқ-сон бўғими соҳаси шикастланди. Улар аввал думғаза/думба ётиқ яраларидан азият чеккан ва мажбурий ёнбош ҳолатда ётиш натижасида ушбу соҳада чуқур нуқсонлар шаклланган. 3 нафарида икки томонлама шикастланиш кузатилиб, нуқсон босқичма-босқич ёпилди (6-расм). Кўпчилик беморларда бир нечта анатомик

